

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМДА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ЎҚУВ ЛОЙИХАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Рахимов Жавохир Октябрович

Тошкент ахборот технологиялари университети магистранти

e-mail: rahmat1959@mail.ru

Аннотация. Мақолада масофавий таълим ва масофавий ўқитишнинг мазмун моҳияти ҳамда таълим тизимидаги тутган ўрни, масофавий таълимни ташкил этишнинг ҳуқуқий, меъёрий, ўқув-услубий, моддий-техник ва кадрлар таъминоти ҳамда масофавий таълимда телекоммуникация ўқув лойиҳаларидан фойдаланишнинг аҳамияти, телекоммуникация ўқув лойиҳаларининг мазмун моҳияти тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Таянч сўзлар ва иборалар: Интернет технология, масофавий таълим, масофавий ўқитиш, телекоммуникация, ўқув лойиҳалар.

XXI асрда инсоният цивилизациясида янги ривожланиш даври ахборотлашган жамият даври бошланди. Бу информацион-телекоммуникациянинг жадал ривожланиши, ахборот технология-ларни тезкор тарқалиши, жамият ривожланиш жараёнларининг глобаллашуви, халқаро коммуникацион ҳаёт муҳити, таълим, мулоқат ва ишлаб чиқаришни шаклланиши ҳамда инфосферанинг ривожланиши билан характерланади. Ахборотлашган жамиятнинг ташкилий-технологик асосини глобал информацион тармоқ -Интернет ташкил этади [1].

Телекоммуникацион тезкор ривожланиш жамият ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, таълим, маданият, маиший хизмат, хавфсизлик каби турли соҳаларида ноанъанавий янги ва қулай имкониятлар яратмоқда. Жамият ривожининг янги шарт-шароитлари ахборотлашган жамият талабларига жавоб

берувчи замонавий ўқитиш технологияларидан фойдаланиб янги мутахассисларни тайёрлашни вазифа қилиб қўймоқда [2].

COVID-19 пандемиясининг бутун дунё бўйлаб тарқалиши ва кескин карантин чораларини тадбиқ этилиши барча давлатларда таълим тизимида масофавий ўқитишни йўлга қўйилишини талаб этди. Шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам таълим тизимининг барча соҳаларида масофавий ўқитиш йўлга қўйилди. Карантин даврида ўрта таълим учун телевидение орқали махсус дастурлар асосида ўқув машғулотлар ташкил этилди, олий таълимда эса [Moodle](#), Zoom дастурий тизимлари ҳамда конференция-алоқа орқали машғулотлар ҳамда талабалар билими назорати ўрнатилди. Олий таълимда масофавий ўқитишнинг пандемия сабабли тезкор қутилмаганда ташкил этилиши талабаларнинг ҳамда кўпчилик профессор-ўқитувчиларнинг масофавий ўқишга тайёр эмаслигини кўрсатди. Айниқса, ёши 60 дан ўтган профессор-ўқитувчиларнинг [Moodle](#) ва Zoom дастурларини тезкор ўрганиб олишлари қийин кечди [3?4].

Масофавий ўқитишда талабалар ўқув жараёнининг энг фаол иштирокчисига айланади ва бунда Интернет ресурслар муҳим рол ўйнайди. Талабалар масофавий ўқитиш тизимида ўқув мақсадини аниқ тушуниб, англаб етишлари зарур ҳамда ҳар бир мавзу бўйича муаммонинг мазмунини тушунишлари ва унинг ечимига мустақил илмий-ижодий ёндошишлари талаб этилади. Шунингдек, бундай ўқиш тизимида талабанинг ўқув қобилиятига ҳам талаб ўзгаради, талаба фақат аниқ мавзунини, яъни ўқитувчи машғулот вақтида ўтган материалларнигина ўқиши, ёзиши ёки амалий ҳисоблашларни амалга оширишлари эмас, балки Интернет глобал тармоғидаги миллионлаб ўқув ресурсларидан зарурларини ажрата билиши, йиғиши ҳамда ижодий ёндошиб ўзлаштириши керак бўлади [5].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, **масофавий ўқитиш** бошқа тизим, **масофавий таълим** бошқа тизим. Масофавий таълим ҳозирги вақтда республикамизда мавжуд кундузги, сиртқи ва кечки таълим шакллари билан тенг ҳуқуқда дипломи тан олинishi зарур бўлган таълим шаклидир.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги таълим тўғрисидаги қонунининг (2020 йил 23 сентябрда тасдиқланагн) 16 моддасида “Масофавий таълим ўқув режалари ва ўқув дастурларига мувофиқ таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмаларни ахборот-коммуникация технология-ларидан ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб олишга қаратилган.Масофавий таълимни ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади” –деб кўрсатиб ўтилган.

Масофавий таълимда профессор-ўқитувчиларнинг ҳам вазифалари бироз ўзгаради, улардан ахборот-коммуникация технологияларини янада кучлироқ ўзлаштиришлари, фан бўйича электрон ресурсларни аудио ва видео маърузалар, мультимедиа слайдлар, мавзуга оид кинофильмлар ва сунъий интеллект асосидаги назорат топшириқлари билан бойитишлари ҳамда ҳар бир профессор фан бўйича ўзининг шахсий веб сайтига эга бўлиши талаб этилади.

Масофавий таълимни ташкил этишда биринчи галда унинг қуйидаги асосий базаларини яратиш талаб этилади: ҳуқуқий, меъёрий, ўқув-услубий, моддий-техник ва кадрлар таъминоти. Республикамизда масофавий таълимни ташкил этиш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Масофавий таълимнинг ҳуқуқий ва меъёрий асосларини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорлари, жумладан “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонун, Республикамиз Президентининг “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги Фармони, ВМнинг “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган [6].

Масофавий таълимнинг моддий-техник базасини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш тўғрисида 2011-2016 йилларга мўлжалланган давлат дастури қабул қилиниб, дастур асосида амалий ишлар олиб борилди.

Масофавий таълимни ташкил этишдаги асосий вазифалардан бири унинг ўқув-услугий базасини яратишдан иборатдир. Чунки масофавий таълим ўқувчиси асосан электрон адабиётлар, виртуаль лабораториялар асосида мустақил ишлайди. Бунинг учун мазкур ўқув юртининг ўқув-услугий базаси етарли даражада электрон ресурслар билан таъминлаган бўлиши шарт [7].

Масофавий таълимда телекоммуникация ўқув лойиҳаларининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади.

Телекоммуникация - бу ахборотларни узатиш ва тез алмашишни таъминловчи восита ҳисобланади. Бу замонавий таълим жараёни учун ўта муҳимдир. Ушбу лойиҳа асосида ёшларни бир-бирини тушунишга, ўзгалар фикрини ҳурмат қилишга, ўз фикрини эркин баён қилишга ва биргаликда муаммоларни ҳал этишга ўргатишга имконият яратилади. Натижада лойиҳа асосида халқаро ягона таълим соҳасига кириб борилади.

АҚШ Огайо штати Иллинойск университети профессори В.Гезергуд кўп йиллардан буён тармоқ лойиҳасини олиб боради ва унда 40га яқин давлатлардан ёшлар иштирок этишади. Ҳозирги вақтда Интернет тармоғида **Kidlink** дастури ва **I Earm** дастури асосидаги халқаро лойиҳалар ишлаб турибди. Телекоммуникацион лойиҳаларда ахборот алмашишиш ёзма вариантда олиб борилади. Бу талабаларга ўз фикри устида яхши ўйлаш, уни таҳрир қилиш имконини ҳам беради ва унинг билиш фаолиятида, муомала маданиятини шаклланишида ижобий рол ўйнайди.

Телекоммуникацион лойиҳалар ўтган асрнинг 80-йилларида юзага келди ва фан ҳамда ўқув соҳаларида алоқанинг қулай ва тезкор усули сифатида фойдаланилди. Халқаро тажрибаларнинг кўрсатишича, оддий ёзишма асосидаги телекоммуникацион лойиҳаларга нисбатан махсус ташкил этилган ва аниқ мақсадга қаратилган лойиҳалар, Интернет тармоғида талабаларнинг ҳамкорликда ишлаши катта педагогик натижага олиб келади. Турли шаҳарлар, минтақалар ва давлатлар талабаларининг тармоқдаги биргаликдаги ўқув фаолиятини ташкил этишнинг асосий шакли ўқув телекоммуникация лойиҳалари ҳисобланади.

Ўқув телекоммуникация лойиҳалари деганда компьютерли телекоммуникация асосида ташкил этилган, умумий муаммо, мақсад, келишилган услублар ва фаолият усулларига эга, фаолиятнинг биргаликдаги натижасига эришишга йўналтирилган талаба-ҳамкорларнинг ўқув-билиш, тадқиқий, ижодий, илмий ва ўйинли фаолияти тушунилади.

Ҳар қандай лойиҳадаги муаммо ечими интеграциялашган билимни талаб этади. Телекоммуникацион лойиҳада, айниқса халқаро лойиҳаларда анча чуқурлашган билимлар интеграциясини, нафақат тадқиқ қилинаётган муаммо юзасидан фан билимлари соҳасини, балки ҳамкорнинг миллий маданияти хусусиятларини, унинг дунёни билиши ва тушунишини, қарашларини билишни ҳам тақозо қилади. Бу эса диалог маданиятини ташкил этади.

Телекоммуникация лойиҳаларни нафақат халқаро, балки минтақавий ёки бир давлат доирасида ташкил этиш анча кенг ривожланган. Чунки бунда лойиҳани ташкил этишдаги тил бўйича тўсиқ йўқ бўлади, лекин миллий ва этник, ижтимоий-маданий қадриятларни ҳисобга олиш, уларга ҳурмат юзасидан қараш шартли сақланиб қолади.

Адабиётлар

1. Рахимов О.Д., Чоршанбиев З.Э., Рахимов А.Х. Ўзбекистон олий таълим тизимида масофавий таълимни ташкил этиш ва унинг дидактик таъминоти. Монография. // ҚарМИИ. “Интеллект” нашриёти, 2021. 140б.
2. Рахимов О.Д., Рўзиев Х.Ж., Муродов М.О. Таълим сифати ва инновацион технологиялар. /Тошкент: “Фан ва технологиялар”нашриёти, 2016й. - 208б.
3. Рахимов О.Д., Турғунов О.М., Мустафаев Қ.О. Замонавий таълим технологиялари. /Тошкент: “Фан ва технологиялар”нашриёти, 2013й. - 210б.
4. Rakhimov O. D., Rakhimova D. O. Educational quality in the era of globalization //Проблемы науки. – 2021. – №. 1. – С. 36-39.
5. Raximov O. D. Quality of education-quality of life //Educational-methodical manual, Karshi: TUIT branch publishing house. 2015.
6. **Raximov O. D. Requirements and technology for creating e-learning resources //Sovremennoe obrazovane (Uzbekistan). – 2016. – Т. 202. – С. 45-50.**
7. Rakhimov O.D.1, Ashurova L. Types of modern lectures in higher education, technology of their design and organization.// Проблемы современной науки и образования. 2020. №12(157), часть -1. С.41-46.